

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ


РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ И ИНФЕКЦИОННЫХ
БОЛЕЗНЕЙ

РЕСПУБЛИКА ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ВИРУСОЛОГИИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

“ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ВА ОИВ/ОИТСНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”
республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



МАТЕРИАЛЫ

республиканской научно-практической конференции
“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИНФЕКЦИОННЫХ
БОЛЕЗНЕЙ И ВИЧ/СПИДА”

ООО «Andijon nashriyot-matbaa»

2011

**БОЛАЛАРДА ЛЯМБЛИОЗ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

**Ганиева М.Г., Умаралиева Ш.Г., Хафизова З.Б., Хайитбаева Г.И.
Андижон давлат тиббиёт институти, ВМОФ педиатрия кафедраси**

Лямблиоз – лямблиялар (*Lamblia intestinalis*) кўзгатадиган инвазион касаллик. Ушбу касалликни болалар ўртасида учраши кўпайиб кетганлиги туфайли бу касалликни замонавий усуллар билан даволаш мақсад қилиб олинди.

Мақсадни амалга ошириш учун поликлиника шароитида лямблиоз касаллиги билан оғриган 5-14 ёшли 43 та болага (23 таси ўғил бола, 20 таси қиз бола) замонавий даво муолажалари ўтказилди.

Бемор болаларни даволаш муддати 3 ой қилиб белгиланди ва босқичма босқич олиб борилди. Биринчи ойда бола организмидаги гижжаларни организмдан чиқариш, 2-чи ойда касаллик туфайли зарарланган аъзолар функциясини тиклаш ва 3-чи ойда болани иммун тизимини стимуллаш вазифаси қўйилди. Биринчи босқичда барча болаларга Зентел 400 мг дан 5 кун мобайнида буюрилди. 2-чи кундан кўп функцияли физиотерапевтик Цзинда аппарати ёрдамида ичаклар ҳаракати бўйлаб рефлексоген нуқталар уқаланди. Ушбу муолажа 10 кун давомида ўтказилди. 2-чи босқичда дорили (1% ли прозерин эритмасидан фойдаланилди) электрофорез усули қўлланилди. Шу босқичда болаларга ичиш учун Лецитин 1 капсуладан 2 маҳал овқат вақтида 1 ой муддатга берилди. 3-чи босқичда боланинг иммунитетини стимуллаш мақсадида Ватанимизда ишлаб чиқарилган (А.В.-БИОКОМ) гепатопротектор, антианемик ва кучли иммунномодуловчи таъсирга эга бўлган Кобавит (таркиби: кобальт, глутамин кислотаси, витамин U) препарати 10 мг дан 2 маҳал овқатдан 2 соат аввал 1 ой муддатга буюрилди.

Олинган натижалар: Кобавит қўлланилган даволаш жараёнида болаларни умумий ҳолати яхшиланди. Энтерит ва ўт йўллари дискинезияси белгилари бартараф этилди. Қоннинг умумий таҳлилида ижобий натижалар олинди. Жумладан гемоглобин даражаси ўртача 15-20 г/л га ортди (даволашдан аввал 70-80 г/л, даволагандан сўнг 85-100 г/л ни ташкил этди). Ахлат таҳлилида 3 карра текширилганда ҳам кўзготувчини вегетатив формалари ёки цисталари топилмади.

Хулоса: Болалар ўртасида кўп учрайдиган лямблиоз касаллигини даволашда замонавий усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИНГ
ПСИХОЛОГИК ХОЛАТИ**

**Гулямов А.Г., Гулямов Ш.А.
Андижон давлат университети**

Андижон давлат тиббиёт институти, Анжижон ш.

Тирик жонзотлар гултожиси бўлмиш инсон зоти соғ-саломат узоқ яшаш умиди билан ҳаёт кечиради.

Президентимиз саъй-ҳараклари туфайли мустақил мамлакатимизда аҳолини соғлиғини сақлаш ишларига ҳам ката этибор қаратилмоқда. Унинг